

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**175** Республика агросаноат комплекси учун замонавий асбоб-ускуналар ва технологияларнинг «Uzbekistan Agrotech Expo-2016» XI Халқаро ихтисослаштирилган кўргазма-савдосини ҳамда қишлоқ хўжалиги техникаси ва машиналарининг «Uzbekistan Agromash Expo-2016» V Халқаро ихтисослаштирилган кўргазмасини ташкил этиш ва ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2016 йил 12 апрелдаги ПҚ–2520-сон қарорини бажариш юзасидан, қишлоқда саноат ишлаб чиқариши ва қурилишини янада жадал ривожлантириш, энг янги технологиялар ва замонавий техника билан жиҳозланган мева-сабзавот ва чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича ихчам корхоналарни ташкил этиш, етакчи хорижий компаниялар томонидан ишлаб чиқариладиган илғор, юқори самарали технологиялар ва асбоб-ускуналар билан танишиш учун фермер хўжаликлари, агрофирмалар, бошқа тадбиркорлик субъектларига қулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек уларни сотиб олишда уларга кўмаклашиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон Фермерлари кенгашининг, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 21 майдаги ПҚ–1758-сон қарори билан ташкил этилган 2012 — 2016 йилларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада модернизация

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й.*

қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастури бажарилишини таъминлаш бўйича ишларни мувофиқлаштириш ва масалаларни тезкор ҳал этиш Идоралараро комиссиясининг (кейинги ўринларда Идоралараро комиссия деб аталади) 2016 йил 31 май — 3 июнда Тошкент шаҳрида «Ўзэкспомарказ» Миллий кўргазмалар компанияси» акциядорлик жамиятининг кўргазма майдонлари базасида:

Республика агросаноат комплекси учун замонавий асбоб-ускуналар ва технологияларнинг «Uzbekistan Agrotech Expo-2016» (кейинги ўринларда «Uzbekistan Agrotech Expo-2016» кўргазмаси деб аталади) XI Халқаро ихтисослаштирилган кўргазма-савдосини;

қишлоқ хўжалиги техникаси ва машиналарининг «Uzbekistan Agromash Expo-2016» (кейинги ўринларда «Uzbekistan Agromash Expo-2016» кўргазмаси деб аталади) V Халқаро ихтисослаштирилган кўргазмасини биргаликда ўтказиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, «Ўзэкспомарказ» Миллий кўргазмалар компанияси» акциядорлик жамиятининг кўргазмалар майдонлари кўргазмалар иштирокчиларига бепул берилади, кўргазма стендларини қуриш ва қўшимча кўргазма ускуналарини тақдим этиш ва хизматлар кўрсатиш эса белгиланган нормативларга мувофиқ амалга оширилади.

3. Қўйидагилар:

Республика агросаноат комплекси учун замонавий асбоб-ускуналар ва технологияларнинг «Uzbekistan Agrotech Expo-2016» XI Халқаро ихтисослаштирилган кўргазма-савдосини ҳамда қишлоқ хўжалиги техникаси ва машиналарининг «Uzbekistan Agromash Expo-2016» V Халқаро ихтисослаштирилган кўргазмасини ўтказишнинг мавзули режалари 1 ва 2-иловаларга\* мувофиқ;

кўргазмалар доирасида 2016 йил 31 май — 3 июнь даврида Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда Савдо-саноат палатаси кўмагида, фермер хўжаликлари, агрофирмалар, бошқа тадбиркорлик субъектлари учун маҳаллий ва хорижий компаниялар вакиллари тақдимотларини ташкил этган ҳолда, «Ўзэкспомарказ» Миллий кўргазмалар компанияси» акциядорлик жамияти кинолекторийсида ҳар кунги мавзули семинарларни ўтказишнинг намунавий сценарийси 3-иловага\* мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, республика вилоятлари, шаҳарлари ва туманлари ҳокимликлари раҳбарларининг, республиканинг барча минтақаларидаги фермер хўжаликлари, агрофирмалар, бошқа тадбиркорлик субъектлари вакиллариининг кўргазмаларга келиш жадвали, шунингдек минтақалардан кўргазма иштирокчиларининг Тошкент шаҳрида бўлиши бўйича биркитилган масъул шахслар рўйхати 4-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ хўжалиги учун мини-технологиялар ва ихчам ускуналарнинг халқаро ихтисослаштирилган

---

\* 1 — 4-иловалар берилмайди.

кўргазма-савдосини ўтказишни ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 24 августдаги ПҚ–449-сон қарори билан ташкил этилган Республика агросаноат комплекси учун мини-технологиялар ва ихчам асбоб-ускуналарнинг Халқаро ихтисослаштирилган кўргазма-савдосини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича Ташкилий қўмита Идоралараро комиссия, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Савдо-саноат палатаси билан биргаликда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш учун замонавий технологиялар ҳамда асбоб-ускуналар, шунингдек қишлоқ хўжалиги техникаси, машиналари ва асбоб-ускуналарининг етакчи жаҳон ва маҳаллий ишлаб чиқарувчиларини ўтказиладиган кўргазмаларда қатнашишга жалб этиш бўйича фаол реклама-ахборот ва ташкилий ишларни амалга оширсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги кўргазмалар иштирокчилари ўртасида шартнома асосида тарқатиш мақсадида Ўзбекистонда ва хорижда ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалиги учун замонавий технологиялар ва асбоб-ускуналарнинг муфассал каталогини нашр этсин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳамда Ўзбекистон Фермерлари кенгаши билан биргаликда:

фермер хўжаликлари, агрофирмалар, бошқа тадбиркорлик субъектлари томонидан кўплаб талаб қилинадиган технологиялар ва асбоб-ускуналар турлари бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигига бир ҳафта муддатда тақдим этсинлар;

фермер хўжаликлари, агрофирмалар, бошқа тадбиркорлик субъектлари вакилларининг, шунингдек республика минтақаларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурига киритилган лойиҳалар ташаббускорларининг ўтказиладиган кўргазмаларда бевосита қатнашишини таъминласинлар ва уларга контрактларни имзолашида қўмаклашсинлар.

7. Маълумот учун қабул қилинсинки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ хўжалиги учун мини-технологиялар ва ихчам ускуналарнинг халқаро ихтисослаштирилган кўргазма-савдосини ўтказишни ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 24 августдаги ПҚ–449-сон қарорининг 7-бандида назарда тутилган имтиёзлар «Uzbekistan Agrotech Expo-2016» кўргазмасида иштирок этиш доирасида, шунингдек кўргазма-савдо давомида тузилган контрактларни бажариш юзасидан агросаноат комплекси учун технологиялар ва замонавий асбоб-ускуналарни четдан келтирувчи ташкилотларга татбиқ этилади.

8. Ўзбекистон Республикаси хўжалик юритувчи субъектларига «Uzbekistan Agromash Expo-2016» кўргазмасида тузилган контрактлар бўйича қишлоқ хўжалиги техникаси, машиналари ва асбоб-ускуналарини тендер савдолари ўтказмасдан сотиб олишига истисно тартибида рухсат этилсин.

9. Идоралараро комиссия Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий

алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги билан биргаликда «Uzbekistan Agromash Expo-2016» кўргазмаси натижаларига кўра 2016 йил 30 июнгача бўлган муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалигига етказиб бериш учун жаҳондаги энг яхши ишлаб чиқарувчилардан техниканинг халқаро талаблар ва стандартларга жавоб берадиган замонавий ва юқори унумли турларини танлаб олиш юзасидан таклифлар киритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги буюртманомаларига биноан, ўтказиладиган кўргазмаларнинг хорижий иштирокчиларига кириш визаларининг консуллик йиғимлари ва бошқа йиғимлар ундирилмасдан расмийлаштирилишини таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги кўргазмалар ўтказиладиган, шунингдек уларнинг иштирокчилари яшайдиган жойларда жамоат тартиби ва ёнғин хавфсизлигининг тўлов ундирилмасдан кўриқланишини таъминласин.

12. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси:

кўргазмалар иштирокчиларини «Тошкент» аэропортида кутиб олиш ва кузатиб қўйишларни ташкил этиш штаби ишлари мувофиқлаштирилишини, бунда штабнинг зарур миқдорда ташкилий-техника ва алоқа воситалари билан жиҳозланишини, шунингдек «Тошкент» аэропортида кўргазма иштирокчиларига транспорт хизмати кўрсатиш назарда тутилишини;

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги буюртманомаларига биноан, кўргазмага юборилаётган кўргазмалар юқларининг имтиёзли юк тарифлари бўйича ташилишини, белгиланган юк тарифларидан 30 фоизли чегирма берилишини, юқларнинг «Тошкент» аэропортида ишланиши ва сақланиши учун йиғимлар тўловидан озод қилинишини;

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг буюртманомаларига биноан «Uzbekistan Agrotech Expo-2016» ва «Uzbekistan Agromash Expo-2016» кўргазмалари иштирокчилари учун авиачипталарнинг банд қилиниши ва сотилишини;

кўргазмалар иштирокчиларига «Тошкент» аэропортининг СІР зали орақали, тўлов ундирилмасдан хизматлар кўрсатилишини;

«Тошкент» аэропорти биноси хоналарининг «Uzbekistan Agrotech Expo-2016» ва «Uzbekistan Agromash Expo-2016» кўргазмалари реклама кўрсаткичлари билан жиҳозланишини;

тадбир меҳмонларига ва иштирокчиларига хизмат кўрсатадиган автотранспорт воситаларининг таксилар ва туризм автобуслари учун мўлжалланган «Тошкент» аэропорти автомобиллар тўхташ жойига Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги буюртманомаларига биноан бепул киритилишини таъминласин.

13. «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти:

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги тизимига кирувчи ташкилотларнинг ҳамда «Uzbekistan

Agrotech Expo-2016» ва «Uzbekistan Agromash Expo-2016» кўрғазмалари иштирокчиларининг буюртманомаларига биноан, кўрғазмага юборилаётган кўрғазма юқларининг имтиёзли тарифлар бўйича ташилишини, белгиланган ставкаларнинг камида 30 фоизи миқдорда чегирма берилишини, белгиланган манзилга етказиб беришнинг ва темир йўлда кўрғазмага олиб келинаётган юқларни тушириш учун вагонларнинг йиғимлар ундирилмасдан ўз вақтида беришнинг тезкор кузатиб турилишини;

кўрғазмага келаётган вагонларнинг бўш туриб қолганлиги учун тўловлардан озод қилинишини таъминласин.

14. Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси ва Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги кўрғазмаларга тайёргарлик ва кўрғазмалар ишларининг матбуотда ҳамда электрон оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан, интернет-нашрларда кенг ёритилишини таъминласинлар.

15. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг буюртманомаларига биноан, «Uzbekistan Agrotech Expo-2016» ва «Uzbekistan Agromash Expo-2016» кўрғазмаларига келувчилар учун шартнома асосида, имтиёзли шартларда маълумотнома-ахборот буклетлари ҳамда сумкалар тайёрланишини таъминласин.

16. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2016 йил 26 апрель,  
121-сон